

УДК 94 (571.1)

**ТАРИХИЙ МАНГИТ АМИРЛАРИ ДАВЛАТЧИЛИГИ:  
ВОРИСИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК**

**Равшанов Шерзод Рахматович**

**Хамраева Саодат Исломовна**

**Абдукаримов Умрзоқжон Абдухалил ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Навоий давлат педагогика институти Тарих  
факультети тадқиқотчилари

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Бухоро амирлига давлат бошқарувининг асослари ва хусусиятлари тўғрисида бўлиб, Амир Темур давлатчилиги сиёсати билан қиёсий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Бухоро, сиёсат, таҳлил, манғит амирлари, солиқ тизими, ташқи алоқалар.

**ANNOTATION**

In this article, it tells you about the segments or state policy of the emirates of Mangits, its history, historiography, history and study of written sources of oriental scholars.

**Key words:** Bukhara, policy, Mangit amirs, foreign policy, tax system, analysis.

Америкалик олим Корнел де Флейшар “Туркий давлатлар бошқарувида учта ўзаро боғлиқ тамойил – шариат, қонун ва амир муҳим бўлиб, у ўз навбатида дин ва давлат бошқарувининг туркий йўли билан боғлиқдир”- деб ёзган эди.

Тарихдан маълумки, ҳар бир давлатнинг иқтисодий сиёсати, унинг салоҳияти, қудрати замирида солиқ сиёсати туради. Амир Темур шахсининг серқирра фаолияти, давлатнинг нуфузи, улуғ сиймо, мўътабир зот бўлиб тарихда қолишининг сабаби, албатта у юргизган ички ва ташқи сиёсатнинг тўғрилиги билан баҳоланади. Жаҳонгирнинг давлат ишлари салтанат қонун қоидалари асосида бошқарилган. Худди шунга ўхшаш манғит амирлари ҳам давлат бошқарувида шариат қонунларига умумий мафкуравий, ахлоқий поклик манбаи деб қараган ва шариатни инсонларга тўғри йўл кўрсатувчи (аш-шарий) асос ҳисоблаган ҳолда, давлат миқёсида одамларни иймон-эътиқодга, художўйликка даъват этувчи кўпгина тадбирларни амалга оширган.

Амир Темур салтанатда узоқ вақт бўлмаган пайтда нарх-наво ошганлиги учун савдогарларни ва айбдорларни жазолаган. Манфаати топталган халқни бир қанча солиқлардан озод қилган. Бу эса амалдорлар ўз мансабини суистеъмол қилиши ва порахўрлик каби ножўя ҳаракатларининг олдини оларди. Ушбу қиёсий таҳлилни келтиришдан мақсадимиз, давлатдаги солиқчилик тизимини, манғит амирлари Амир Темур давлатининг ички ва

ташқи сиёсатидан ўрганиб иш юритгани ва ўзбек давлатчилигининг айрим бўғинларидаги ўхшаш жиҳатларни кўрсатиб беришдан иборат бўлади.

Давлатнинг иқтисодий кудратини оширишнинг асосий воситаларидан бири – солиқ тизими эканлигини биламиз. Амир Темур ўз давлатида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ерга муносабат, солиқ сиёсати борасида шундай ибратли ишлар қилганки, бу тажриба ўзбек давлатчилиги тарихида дастурамал бўлиб қолган. “Темур тузуклари”да ер ва солиқ сиёсати тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган ва бунда ер эгаллигининг бешта кўриниши мавжудлиги айtilган:

1. Суюрғол ерлар (Бундай ерлар давлат томонидан алоҳида шахсларга берилиб, авлоддан-авлодга ўтувчи мулк саналган ва улардан солиқ олинмаган.)

2. Тархон ерлар. (Бу хусусий мулк бўлиб айрим одамларга хизматлари учун берилган.)

3. Ўша ерлар. (Бу ерлар сайид ва хўжаларга тегишли.)

4. Вақф ерлар (Мозор, масжид ва хонақоларга тегишли.)

5. Аскарлар, ҳарбийларга тегишли ерлар. Ер эгаллиги ва турига қараб солиқ сиёсати юргизилган. Бу эса Амир Темур давлатида солиқ сиёсатининг адолатлилигини кўрсатади. Унда айтилишича, ташландиқ ерлар ва чўлни обод қилган, кориз қазиган, боғ-роғлар яратган, умуман, хароба жойларни ўзлаштирганлар, уч йил давомида солиқдан озод этилган.

Шунингдек, “Тузуклар”да: “Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу-жиҳот олинмасин. Ҳосил йиғилгач, солиқ уч турга бўлиб олинсин, солиқчилар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; арқон, калтак ишлатмасинлар, банд этиб арқон билан кишанламасинлар. Раиятдан молу-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ва мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак, негаки бу, давлат хазинасини камбағаллашишига олиб келади-”<sup>1</sup> дея таъкидланади.

Кўриниб турибдики, Амир Темурнинг солиқ тизими соҳасидаги сиёсатида солиқларни ундиришнинг муддати жуда оқилона белгиланган. Чунки, ҳосил пишиб етилгунча бир қанча табиий офатлар: сувсизлик ва йилнинг қурғоқчил келиши, турли зараркунанда ҳашаротларнинг берадиган талофоти, гармсел ва бир қанча зарарли оқибатларнинг эҳтимоли борлиги кўзда тутилади. Бундай иқтисодий сиёсат одамларни хўжаликнинг турли соҳаларида; деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчиликда ишонч билан меҳнат қилишлари ва унинг самарасидан баҳраманд бўлишига, шунингдек, давлат хазинасини бойитишга олиб келган. Манғит амирлари давлатчилик сиёсатидаги солиқ тизими билан қиёсланганда, “Темур тузуклари” да кўрсатилган қонун-қоидалар амир Шохмурод кўрсатмаси билан ёзилган “Мажмуъ ал-арқом” яъни, “Рақамлар мажмуи”да ўхшаш фикрлар баёни ифодаланган. Агар, экин ерлари сувсизликдан яроқсиз ҳолга тушиб қолса, сув чиқаришнинг иложи бўлмаса, аҳолини сувли жойларга кўчириш, уларга ер тақсимлаш лозим бўлган. Солиқ йиғиш вақтида сув тақсимоти ва қулайлик инобатга олинган. “Тузуклар” ва “Мажмуъ ал – арқом”даги яна бир ўхшаш жиҳат-солиқ йиғишнинг математик, илдиз остили ва касрли йўллари асослаб берилиши ҳамда солиқ йиғувчи

---

<sup>1</sup> . “Темур тузуклари» Тошкент, 1991 йил 86- бет.

мутасаддиларга хос бўлган ўхшашлик, солиқ йиғувчиларнинг адолатли, инсофли ва саводли бўлиши, шариатга, иймонга асосланиши назарда тутилади. “Мажмуъ ал-арқом” да солиқ йиғиш йўллари ва солиқ турлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, давлатни бойитиш, хазинани тўлдиришнинг йўли, солиқларни тўғри белгилаш, уни ундиришнинг муқобил йўллари қидириш лозим. Давлат солиқчиси кенг маънавий дунёга эга бўлиши, ўз фаолиятини амалга оширар экан ҳеч қандай ифвога, ғийбат – бўҳтонга, порахўрликка, макр ва ҳийлага берилмаслиги, Аллоҳни қалбига жо этиб, шариат йўлида ҳаракат қилиши керак. Хазина миқдори фақат ҳукмдор ва хазинабонгагина маълум бўлсин”, - дея таъкидланади.

Соҳибқироннинг адолатли солиқ сиёсатида фуқаролар манфаати ҳисобга олинганлиги дастлабки Манғит амирлари бошқарув сиёсатида дастуриламал бўлган бўлса ажаб эмас. Аҳмад Дониш Манғит ҳукмдори амир Шоҳмурод шахсига таъриф бериб: “У ақлли ва адолатли ҳукмдор, халқни турли хил солиқлардан озод қилди”, - дейди.

Шуни айтиш жоизки, амир Шоҳмуроддан сўнг амир Ҳайдар, унинг ўғли амир Насруллоҳхон ҳар ҳолда ўз фаолиятларида қисман бўлсада “Темур тузуклари” ҳамда “Мажмуъ ал – арқом” каби давлатни бошқариш, иқтисодий сиёсатни юритиш, айниқса солиқ соҳасидаги кўрсатмалардан деярли чекинган эмас эдилар. Амир Ҳайдар ва амир Насруллоҳхон даврида Бухоро амирлиги ҳудудларини кенгайтириш, иқтисодий салоҳиятни кўтариш ишига эътибор берилди, аммо фикримизча, манғитлар сулоласи айрим амирлари ҳукмронлиги даврида солиқ масалаларида шариат талабларидан чекинган ҳолда, закотчиларнинг ноқонуний ҳатти –ҳаракатлар қилишлари давлат солиқ сиёсатининг издан чиқишига имкон берди. Шарқий Бухорода ҳам, Ғарбий Бухорода ҳам солиқ йиғувчилар зўравонлик билан халққа жабр қилардилар, ҳамда ноқонуний равишда солиқларни йиғишга киришган эдилар.

Қуръони Каримда таъкидланганидек, турли табиий офатлар сабабли деҳқон ўз еридан деҳқончилик қилиб 3 йил ҳосил ололмаган бўлсаю, кейинги йили юқори ҳосил олса, ундан уч йиллик боқиманда солиқ ундирилмасин, ёки деҳқон табиий манбалардан, дарё ёхуд канал сувларидан фойдалана олмаса, ўзи қудуқ ёки кориз қазиб экинини суғурса ундан солиқ олинмасин, дейилган. Аммо бу тартибни била туриб, Бухоронинг ҳамма ҳудудларида солиқлар ундирила берилган. Ана шунинг ўзигина шариат талабларидан чиқиш эди. Солиқ йиғувчилар солиқ йиға туриб турли йўллар билан одамларнинг чорва молларини тортиб олар, уларни подшо мулкига айлантириш йўллари ҳам топардилар. Қизилқум этаклари, дарё бўйларида ўтлаб юрган чорва молларини солиқчиларнинг гумашталари аниқлаб, эгасиз деб ҳисоблаб, “Луқата”- йўлда тушиб қолган, деб подшо мулкига қўшар, агар мол эгаси моли учун даъво қилса, у ҳолда буни исботлаш учун катта харажатга туширар эдилар.

Амир Музаффархон ўзининг солиқ сиёсатини олиб боришда белгиланган Шариат талаблари ва кўрсатмаларини бузганлигини билар эди. Аммо бундай илоҳий талаблардан чекинишда ўзини гуноҳкор деб ҳисобламай “Мен бу ишда ўзимни худо олдида гуноҳкор санамайман, чунки мен шариат ҳокими бўлган қозиларнинг арзи юзасидан фармон бераман. Бу ишдаги хатоликлар учун

қиёмат кунда худо олдида қозилар жавоб беражаклар”-деган экан ўз нодимлари (хамсухбатлари)га<sup>2</sup>

Манғит амирлари амирлик хизматида бўлган саркор, дарға, мирзо, амин каби мансаб соҳибларига маош белгиламаган, ва уларга давлат хазинасидан ойлик берилмасди. Улар солиқ йиғиш пайтида ўз улушларини деҳқон ва хунармандлардан мажбуран олар эдилар. Амир Аҳадхон даврида Балжувонда ҳосилни совуқ уриб кетганига қарамай, халқдан солиқ йиғиш буюрилган. Солиқни тўлай олмаган деҳқонлар қаттиқ калтакланганлар. Натижада. 1888 йил Ҳисор водийсида Восе бошчилигидаги деҳқонлар қўзғолони келиб чиққан. Аммо айрим ерлар унумдор бўлсада, улардан солиқ олинмаган. Масалан, Садриддин Айний “Дашех ариғи бўйидаги серҳосил ерлардан солиқ олинмасди. Бу ерлар дархон-подшо солиғи олинмайдиган ерлар эди ”- дея изоҳлайди.

Манғит амирлари давлатни идора этиш сиёсатида Амир Темур тажрибасига таянгани аниқ, ушбу давлат солиқчилик сиёсатидаги қаттиқ интизом манғит амирлари давлатида анча заифлашганини кўрамыз. Рус шарқшунос олими Д.Лагофет ўзининг “Бухоро тоғликлари ва текисликларида” номли асарида Амир Темур давлати ҳақида гапириб: “Унинг давлатида молиявий масалаларда қатъий тартиб ўрнатилган. ...биз ҳозир зўр бериб интилаётган даромад солиғи деган нарса унинг ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди ”, - деб ҳикоя қилади.

Оддий бир ҳақиқат, у халқдан йиғилган солиқлар ҳисобидан мамлакатни ободонлаштирган, хайр – саҳоват, ином-эҳсон қилган, қўшинни қуроллантириб, едириб-ичирган. Манғит амирлари солиқ тизимида ҳам айнан шундай воқеликни кўриш мумкин. Аммо кейинчалик бу сиёсат бузилган, авомдан йиғилган солиқ хазинага тўлиқ тушмаган. Садриддин Айний “Манғит амирлари тарихи” китобида “Амир Абдулаҳадхон даврида савсим закотининг жами ва экин ерларидан олинадиган хаста–улхирож ва жой чегараси, йўл хирожии халқни талон-тарож этишга олиб келган эди”, -деб ёзади.

Аммо ҳақиқат аёнки, Амир Темур давлати солиқ тизимидаги қаттиқ интизом ва осойишталикнинг ибратли эканлигини, унга тақлид қилиб иш юргизишга ҳаракат қилган манғит амирлари давлат сиёсатидан ҳам билиб олиш мумкин.

---

<sup>2</sup> .С. Айний Асарлар. 5- жилд. Тошкент. Бадиий адабиёт нашриёти. 1965 йил, 79-бет.